

Махмуца Тонр

Армон
ТУНИ

Армон
ТУНИ

Маҳмуд Тоир

Армон
TUNI



Mahmud Toir
Armon
TUNI

ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2016

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6-5

Т 61

Она сўзини тилга олган ҳар бир инсоннинг кўз ўнгида беихтиёр ўз онасининг сиймоси гавдаланади. Ўзгача бўлишини тасаввур этиш қийин. Чунки ҳар кимнинг жисмига жон ўз онасидан ўтади.

Шу боис Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг «Армон туни» достонини ўзбек оналари шаънига битилган кўшиқ, дегимиз келди. Зеро, достоннинг ҳар сатрида она меҳри куёшдек порлаб туради.


Яна муҳим жиҳати, фарзанд соғинчи, армони, яратган ва онаизор руҳи поки олдидаги тазарру дилингизни ўртайди. Беихтиёр фарзандлик масъулияти ҳақида ўйлайсиз. Бир сўз билан айтганда, дoston сизга манзур бўлади, азиз китобхон.

ISBN 978-9943-28-681-8

© Маҳмуд Тоир, 2016.
© «O'zbekiston» НМИУ, 2016.



АРМОН ТУНИ
(Достон)



*Онам Рафиқа Норбобо қизи
хотирасига бағишлайман*

МУҚАДДИМА

Бир сўз бор бу қадим, сирли дунёда,
Ҳаёт не, меҳр не — этгай ифода.

Шу сўздан бошланар тириклик гўё,
Шу сўздан бошланар қўшиқ ҳам наво.

У эрур инсонлик, эзгулик рамзи,
Вафо қасидаси, жасорат ҳамди.

Ҳидоятга элтур итоат унга,
Саодат истасанг эт одат бунга.

Шу сўз тоза дилнинг меҳроби эрур,
Фарзанднинг мохтоби, офтоби эрур.

Ватандек муқаддас бу сўз жаранги,
Оллоҳ мангу экан, бу сўз ҳам мангу.

Кўнгил дунёсида осмондир бу сўз,
Қадрин билмаганга армондир бу сўз.

Кимки номин айтса, жўр бўлар олам,
У менинг қувончим, армоним, нолам.

Дунёда қуёшдек улур ягона,
Она у, Она у, меҳрибон ОНА!

Она сўзини тилга олган ҳар бир инсоннинг кўз ўнгида, беихтиёр ўз онасининг нурли сиймоси гавдаланади. Ўзгача бўлишини тасаввур этиш қийин. Чунки ҳар кимнинг жисмига жон ўз онасидан ўтади.

Шу боис, мен ҳам онам ҳақида дилимнинг дардини тўкким келди...

Қолаверса, ҳар кимнинг ўз онаси ҳақида айтган дил сўзи — бу аввало юртимиз оналари, миллатимиз волидалари шаънига битилган ҳамд, изҳори эътирофдир. Ўзбек онасига хос дарёдилликнинг барча эзгу аъмолларини ўз онамда кўрдим ва шукурким, бу меҳру муҳаббатдан баҳраманд бўлдим.

Шунинг учун оналаримиз мадҳи тимсолида кадрдон ўқувчиларим билан навбатдаги ғойибона дийдор муборак бўлсин, дегим келяпти. Шояд, бу дoston Сизнинг ҳам дил мулкингизга айланса.

I

Бир кун меҳмон келмаган кун йўк,
Остонангиз тиллодан, она.
Сизни асли тилаб олганлар,
Муҳаббатдан, вафодан, она.

Сиз умримнинг мунаввар тонги,
Уй тўрида бир офтобимсиз.
Дуоларнинг дури жамланган,
Муқаддассиз, хуш китобимсиз.

Жоним онам, дарёдил онам,
Ҳақнинг ҳукми, ёзиқлари бор.
Мен бахтлиман, онасизларнинг,
Табиб билмас оғриқлари бор.

Бир кун меҳмон келмаган кун йўк,
Бу феълингиз Худодан, она.
Сизни сира кетгизгим келмас,
Ҳамма кетар дунёдан, она.

Аmmo... Кун келиб соғинч, ҳижрон ва азоб
исканжасида қолишимни, айрилиқ нақадар оғир
эканини билмагандим...

— Бандаси тadbир қилади, Яратган тақдир,
болам. Эгам чорласа, ўзига шукурким, менинг

орқа этагимда оғирлигим йўқ. Омонатимни топширишга доим тайёрман, — дердингиз. Инсоннинг кўзидаги тўрлар аввалида ғафлат тўри тураркан. Кеч очилган кўзлар кеча кўриши мумкин бўлган одамни бугун кўролмай қолиши ҳақиқат экан.

Она, ўзингиз айтгандек, ой бизнинг қишлоқда ерга яқин, қуёш ҳам тоғларни ўпиб юз очади. Ҳар бир қаричида, сизнинг табаррук изингиз қолган ҳовлимизни айланиб юрибман. Осмонга қарасам, янги ой чиқибди. Сизнинг дуоларингиздек, сизнинг тилақларингиздек ёқимли ой...

Она, мен ойга қанча узоқ термилсам, у менга шунча яқин келаётгандек. Гўё бошимдаги ой тимсолида сизни кўраётгандекман. Назаримда, сиз ҳам ой билан ерга тушиб келаётгандексиз. Шу тобда сизни янги ойга менгзагим келди, она. Одамлар янги ойга боқиб, хуш ниятларининг ижобатини сўрашса, мен сиздан ҳамиша беҳисоб тотли сўзлар, панду ўғитлар эшитганман. Худди суврати, сийрати мутаносиб одамлар бир-бирини излаб юрганидек.

Ўйлаб кўрсам, одамзод ниятидаги ёруғликни, гўзалликни, меҳру оқибатни она табиатдан олар экан.



Она табиатдаги биз таърифун тавсиф этиб адо қилолмайдиган жамики эзгуликлар барча оналар каби сизда ҳам бор эди, она!

Эзгуликни асраш — онани асрашдан бошланади. Дунёни асраш — оналарни асрашдан бошланади. Онаси борнинг офтоби сўнмайди. Шу боис ҳар ким ўз онасини ўз овози, ўз муҳаббати, ўз қувончи билан таърифлайди.

II

Бисмиллоҳ бўлгайдир сўзим аввали,
Онамдир қалбимнинг тоза гавҳари.
Ўзи осмонимдир, ўзи заминим,
Жонидан жон берган, жоним заргари.

Мен қўшиқ бошладим онам васфида,
Ҳаётим достони онам аслида.
Нажот фариштасин кўрса, не ажаб,
Борки одамизот она васлида.

Фарзанднинг онадек фидоси бўлмас,
Фарзанднинг онадек адоси бўлмас.
Кетгач, сен қабрига юз йил қатнасанг,
Қаро тупроқнинг ҳеч садоси бўлмас.

Энди, соғинч охи каломинг бўлгай,
Энди, армон сенинг таоминг бўлгай.
Кўргинг келаверар, кўзларинг гирён,
Фақат сиймосига саломинг бўлгай.

1964 йилнинг июль оyi. Мен бешинчи синфни, укам учинчи, синглим биринчи, опам саккизинчи синфни тугатган.

Отамиз казо қилдилар... Ўша пайтда Паркентда буйракдаги тошни операция қиладиган жарроҳ топилмабди. Буйрак хуружи сабаб отамиздан айрилиб қолдик!..

Сиз 40 ёшда эдингиз, Она. «Ўзинг учун ўл, етим» аталмиш кунлар бошланди. Укаларингиз Низомиддин, Сирожиддин тоғаларим баҳоли кудрат қўллаб турдилар. Аммо ҳар рўзгорнинг ўз фори бор. Қолаверса, кўлдан берганга куш тўймас, деганлар.

Тақдир тақозоси экан, бир оз қатъиятли, қаттиққўл бўла бошладингиз. Опам билан мени эрта тонгда уйғотар эдингиз. Мактабга боргунимизча даладан ўт ўриб келардик. Мактабдан келиб яна шу иш такрорланарди. Органини пичан қилиб қуритардик. Ёзда ўрилган галла майдонларидан сомон йиғардик, машоқ терардик. Асосан, битта сигирнинг сут-қатигини



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/4464>
saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ
версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4464>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4464>